



САНЪАТ ҲАВАС  
МАЙДОНИ ЭМАС

4

ЯНГИ МУАММО:  
ВИРТУАЛ ХИЁНАТ



5



АЁЛНИНГ  
МОЛИ  
МИННАТЛИ(МИ?)

6

ПУЛ ЎРНИГА,  
ГУЛ ТУТҚАЗИНГ!



8

## БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЎзА сурат-лавҳаси

Сурхондарё вилояти Узун туманида тубдан реконструкция қилинаётган “Шодлик” маданият ва истироҳат боғининг дастлабки боқичи якунлашиб, фойдаланишга топширилди.

Тумандаги “Манзура Дилшод” МЧЖ қарийб олти гектар майдондаги “Шодлик” маданият ва истироҳат боғининг биринчи боқичини замонавий усулда бунёд этиш учун 1 миллиард 750 миллион сўм маблағ сарфлади: боғдаги йўлақларга брусчаткалар ётқизирилиб, йигирмага яқин замонавий ўйин қурилмалари ва аттракционлар, юзга яқин тунги ёритиш чироғи, олтмишдан ортиқ дам олиш ўриндиғи, эликдан зиёд турли ҳайвон ва қушларнинг ҳайкаллари ўрнатилди. Салқин ичимликлар, музқаймоқ ва фото-видео хизмати кўрсатиш шохобчалари, ёзги сахна ва болалар томоша майдончаси қурилиб, янги иш ўринлари яратилди. Албатта, бу аҳолининг мароқли ҳордиқ чиқаришини таъминлайтир.


Суратда акс этган бетакрор лаҳзалар, болалик ҳаяжонлари шу боғдан олинган.

### МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Оилангизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган севимли газетангизга 2016 йил учун обуна давом этмоқда!

Обуна индекси — 176





## 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

Ўғлимнинг кечагина айтган сўзлари юрагимни жунбушга келтирди: “Ойи-жон, мен ҳам катта бўлсам, бобомга ўхшаб қоламанми?”. Очиғи, кўнглимдан болагимнинг ширин хотиралари, ўспиринлигим ва ўрта ёшлигим ўртасидаги бир-бирини такрорламас воқеа-ҳодисалар ўтаркан, уларнинг нақадар ўткинчилиги, лаҳза қадри мени ташвишга сола бошлади. Шунда нурунийлик даври ҳақида бир оз бўлса-да, ўйга толдим.

# ТАБАРРУК ЁШ ШУКРОНАСИ

Азалдан юртимизда кексаларга алоҳида эътибор, эҳтиром кўрсатиб келинган. Бу оддий ҳақиқатни жорий йилнинг Президентимиз ташаббуси билан “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номлангани ҳам исботлаб турибди. Ўтган тўққиз ой ичида бу борада жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Масалан, бизнинг туманимиз ҳудудида юзлаб нуруний отахон ва онахонлар, тўрт нафар табаррук юз ёшдан ўтган кексалар умргузаронлик қилишарди. Уларга ҳар томонлама моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак бериб келинмоқда.

— Тўқсон ёшни қораламди, — дейди “Даштобод” кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Роҳат момо Имомова. — Лекин бирор кун ёлғиз қолганим-

ни эслолмайман. Фарзандларим, келинлар, неварача-чеваралар, кўни-кўшнилари мехрибон, бошимда парвона, зериктиришмайди. Маҳалламиз фаоллари ҳам хабар олиб туришади. Яқинда “Кизил ярим ой жамияти” вакиласи Сурайё қизим менга аравача олиб келганида роса суюндим, мингдан минг раҳмат уларга. Бир неча ой бир жойда ётиб қолганим боис бироз сиқилиб қолувдим. Болаларим ташқарига кўтариб олиб-чиқиб, олиб киришганида ичимда оғир юк бўлаяпманда, деб хижолатда эдим. Энди анча руҳим тетик. Илоё, бизга ўхшаган кексаларни кадрлаганлар кам бўлмасин.

Шаҳноза ЁҚУБОВА,  
Бўка тумани ДНИ нотариуси.

## УЙ БЕКАЛАРИ САРТАРОШЛИККА ЎҚИТИЛДИ

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг “Ўзбекистонда иш билан таъминланмаган аёлларни касбга ўргатиш орқали бандлиқни таъминлаш ҳамда уларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Самарқанд шаҳрида ўқув курси ташкил этилиб, 15 нафар хотин-қизга сартарошлик касбининг сир-асрори ўргатилди.

Малакали сартарошлар ва тадбиркорларнинг назарий билим ва амалий кўникмаларини уйғунлаштирган ҳолда ўтказган машғулотлари аёлларда катта қизиқиш уйғотди.

Улар бизнес нима, тадбиркорлик қандай, тадбиркорлик қандай ва характеристикаси, соч турмаклашнинг моделлаштириш, сартарошликда ишлатиладиган иссиқ берувчи асбоблардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига амал қилиш, мижознинг ёши, жинсига қараб муомалада бўлиш каби касбнинг нозик жиҳатлари ҳақида тушунчаларга эга бўлишди.

— Ушбу лойиҳадан мақсад уйда бўш ўтирган бекалар эгаллаши мумкин бўлган касблар ҳақида хотин-қизларга маълумот беришдан иборат, — дейди

“Тадбиркор аёл” ассоциацияси ҳудудий бўлими раҳбари Феруза Хонкелдиева. — Мазкур курс давомида аёллар сартарошлик бўйича кўникмаларга эга бўлишди. Тўғри, 15 кунлик ўқув машғулотлари давомида ушбу касбни тўла эгаллашнинг имкони йўқ. Аммо уй бекаларини кичик тадбиркорлик соҳасига қизиқтириб, йўл-йўриқ кўрсатишга ва йўналиш беришга эришдик.

— Тўрт нафар фарзандим бор, — дейди самарқандлик Нафиса Нейматова. — Болалар тарбияси билан машғул бўлиб, узоқ йиллар умуман ҳеч қаерда ишламаганман. Телевидение орқали тадбиркор аёлларга яратилаётган имтиёзлар ҳақида кўп эшитганим учун ассоциацияга мурожаат этдим. Уларнинг ёрдамида шу ўқув машғулотларида қатнашдим. Ҳозирда уйимиз ёнида гўзаллик саломи очишни мўлжаллаб турибмиз.

Ўқув курси якунида иштирокчилар ўрганганларини имтиҳон давомида намойиш этишди ҳамда уларга сертификат топширилди.

Гулрух МҶМИНОВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири.  
Самарқанд вилояти.

Огоҳлик — давр талаби

## ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Юртимизнинг тинчлик, осойишталиги, ҳамюртларимизнинг хотиржамлигини таъминлашда кўриқлаш хизмати ходимларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Бу соҳани малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган эътибор ҳамда унга замонавий технологияларнинг жорий этилиши натижасида тизим фаолияти янада мукамаллашмоқда. Техник кўриқлаш йўналишини ислоҳ қилиш 2013-2016 йилларга мўлжалланган бўлиб, уч босқичда амалга оширилаётган. Ҳозирги кунда интеграллашган маълумотни узатувчи “Приток-А” қурилмаси хизматга жорий этилиб, синовдан ўтказилди. Бу қурилма кўп функцияли бўлиб, симли ва шиша толали алоқа тармоқларида ишлайди.

Кўп қаватли бинолар умумий қириш эшикларини интеграллаштирилган кўриқлаш-ёнгин сигнализацияси воситалари ҳамда видеокузатув мосламалари орқали кўриқлаш, инсон ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Эътиборлиси, телефон алоқаси мавжуд бўлмаган жойларда уяли алоқа каналлари орқали кўриқлашнинг амалга ошириш қурилмасини модернизациялаш учун талаб этиладиган ускуналарни юртимизда ишлаб чиқариш устида иш олиб борилмоқда.

Тизимга илғор ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, техника ва қурилмалар ҳамда мос-

ламалар кенг татбиқ этилаётгани бу борада қўл келаяпти. “Ташвиш” тугмачаси хизмати шундай янгиликлардан биридир. Ҳозирги вақтда ундан кассалар, банклар, кўнгулчор муассаса ва хонадонларда кенг фойдаланилмоқда. Мижоз зарурат бўлганда мазкур тугмача орқали техник кўриқлаш пунктига боғланади. У ерда навбатчилик қилаётган махсус гуруҳ “Ташвиш” хабари тушган жойга 3-5 дақиқада етиб бориб, муаммони зудлик билан бартараф этади.

Жойларда ички ишлар ходимлари томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, юртимиз осойишталиги ва ҳамюртларимизнинг хотиржамлигини таъминлашга қаратилган кенг қўлмал тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Натижада ушбу хизмат турига фуқароларнинг қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда кўриқлаш хизмати ходимлари давлатимиз ва халқимиз бойликларини кўз қорачиқдек асраб-авайлаш орқали мамлакатимиз равақига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ойгул ОДИЛОВА,  
подполковник, Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармасининг бўлим бошлиғи.

## БЕМИННАТ ДАСТЁР “ДУШМАН”ГА АЙЛАНМАСИН

Қизик-да, аслида олов қадимдан шу кунгача инсониятга беминнат хизмат қилиб келаётган дастёр. Яна бир даҳшатли тарафи шундаки, биргина бепарволик, эътиборсизлик бир лаҳзада оловни шафқатсиз душманга айлантириши ҳам ҳеч гапмас.

Ҳар йили ҳукуматимиз ташаббуси билан ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида республикамизда айнан кузги-қишги мавсумда “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилади. Ҳамкасбларимиз бу даврга келиб, кунлик ҳароратнинг кескин пасайиши, қировли кунлар бошланиши, фуқароларнинг иситиш мосламаларини ишлатишга бўлган эҳтиёжлари бирмунча ортишини, шунинг баробарида қўлда ясалган, носоз ва хавфсизлик нуқтаи назаридан яроқсиз иситиш мосламаларини назардан четда қолдиришмайди.

Аслида, “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” давомида ўтказиладиган тадбирлардан қўзланган асосий мақсад аҳоли ўртасида кенг қўлмалдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш орқали ёнгинлар сонини камайитиришдан иборат. Аксар бундай ҳодисалар инсонларнинг лоқайдликлари, бепарволиклари, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмасликлари ва болаларни назоратсиз қолдириш оқибатида содир бўлаётгани кузатирилмоқда.

Хонадонларда содир бўлаётган ёнгинларнинг олдини олишда ёнгин хавфсизлиги хизмати инспекторлари “Тумангаз” ва “Электр тармоқлари” корхонаси ходимлари билан биргаликда рейдлар ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тушунтириш ишлари олиб борадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёнгинларнинг олдини олишда аҳоли ўртасида ўтказиладиган тарғибот-тушунтириш ишлари муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари

мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида, Меҳрибонлик уйлари ҳамда мактаб интернатларда бўлиши, болаларга ёнгин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиб беришмоқда. Улар билан турли машғулотлар, викториналар ташкил этишаётган. Машғулотларни ўтказишдан мақсад — болалар ўртасида фавақулда ёнгин содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини ўргатишдир.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги давомида болаларга ёнгинларни бартараф этишда ишлатиладиган бирламчи ёнгин ўчириш анжомлари, воситалари, замонавий ўт ўчириш анжомлари, уларни ишлатиш тартиби тушунтирилиб, кўрсатиб борилади. Бундан ташқари, ёнгинлар қандай талофатларга олиб келиши мумкинлигини акс эттирувчи кўргазмалар ҳам намойиш этилади. Ёнгин ўчирувчилар аввало, кичкинтойларга содир бўлган ёнгинлар ҳақида гапириб, ёнгин содир бўлганда биринчи навбатда нималарга эътибор бериш кераклигини тушунтирадilar. Шунингдек, ёнгин хавфсизлиги ойлиги мобайнида тумандаги бозорларда, йирик корхона ва ташкилотларда, олий ўқув юрталарида, ёнгин ўчириш техникалари намойиши, ўқув машғулоти ўтказилади.

Агар оловдан унумли, ўз ўрнида фойдаланса, тегишли талаб-қоидаларга қатъий амал қилса, ўт-олов бизнинг беминнат дастёримизга айланиши шубҳасиз. Акси бўлса... Ана шундан эҳтиёт бўлайлик!

Р.ТОШМУҲАММЕДОВ,  
Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант.



Олтинқул туманидаги “Маслаҳат” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Хўжа маҳалласида истиқомат қилаётган Рўзихон опа Абдуллаева мана 30 йилдирки, ипак қурти боқадди. Ана шундай машаққатли меҳнати ортидан эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Самарали хизматлари юксак қадрланиб, Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи” унвонига сазовор бўлди.

## ЭЪЗОЗУ ЭЪТИБОРДАН ШОДМАН

дейди “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи” Рўзихон АБДУЛЛАЕВА

Рўзихон опа болалигиданоқ ипак қурти боқишда онасига қарашли, пиллачиликка меҳри тушганлардан. Беш опа-сингил тонг ёришар-ёришмас, тут барглари кесиби келиш учун далага ошиқшир, мактабдан келиб яна барг ғамлашарди. Бир ойлик меҳнат йилга татирди. Қизлар уч, олти қурти ипак қуртини парваришлаб, оналари мақтовини эшитиб, дуоларини олишарди. Рўзихон опа мактабни тугатгач, пиллачиликка ихтисослашган ўқув юртига ҳужжат топширди. Бу соҳанинг етук мутахассиси бўлишга аҳд қилди.

Буни қарангки, келин бўлиб тушган хонадони ҳам пиллакорлар оиласи бўлиб, қайнонаси Турсунхон онага пилла қурти боқишда тенг келадиган одам топилмасди. Тўрт нафар фарзанди қаторида энди Рўзихон ҳам унга кўмакчи бўлди. “Куртлар фақат барг билан тўйинмайди, новдасини ҳам шимсин, шунда пилласи оғир босади”, дерди у киши ҳаммаша. Онасидан ўрганганлари, қайнонасининг ўғитлари Рўзихон она ни ҳақиқий пиллакорга айлантирди.

— Агар ипак қуртига меҳрингиз тушмаса, унинг меҳнатига дош бериш осонмас, — дейди Рўзихон опа. — У жуда поэтика жонивор. Шунинг учун курт боқилаётган хоналар озода, шинам бўлиши лозим. Агар емиши орасига ифлос барг аралашиб қолса ҳам емайди. Ҳар йили курт боқайтганимизда албатта, қайнонам айтганларидек, 1 квадрат метрга 1 грамм курт уруғи ёяман. Улар қанча сийрақлаштирилса, пилласи шунча йириқлашади.

Рўзихон опа ипак қурти боқишининг

### Замондошларимиз

ҳадисини олган бўлса-да, ҳозир ҳам катталардан маслаҳат сўраб туради. Узок йиллар пиллачилик бригадасига етакчилик қилди. Мана, салкам ўн йилдирки, Фозилхон Кўнқоров номли мавзеда агроном. Ҳар йили баҳорда ипак қурти парваришлаб, фарзандларига бу соҳанинг сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Ўтган йили оила аъзолари билан 8 қурти ипак қурти уруғи парваришлаб, 550 килограмм пилла топширди ва 4,5 миллион сўм даромад олди. Бу йил ҳам режани биринчилардан бўлиб уддалади.

— Худудимизда жорий йилда 10 та пахта-ғалла, 5 та тулчилик фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда 292 қурти курт уруғи жонлантимириб, 252 та хонадонда парваришланди, — дейди Рўзихон Абдуллаева. — Натijasи ёмон бўлмади. 18 тоннадан зиёд пилла етиштиришга эришдик. Даромадимиз эвазига хонадонларимизга барака кирди. Пиллачиликка меҳр қўйиб, адашмаган эканман. Болалик йилларимни эсласам, онамнинг оғир меҳнатдан дол бўлган қадди кўз олдимга келади. Бугун эса оддий қишлоқ аёлларининг камтарона хизматлари ҳам ҳукуматимиз томонидан юксак қадрланмоқда. Мен ҳам ана шундай эъзоз ва эътиборга эришганимдан бахтиёрман.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**  
журналист.  
**Андижон вилояти.**

## ҲАР ҚАТРАСИ АЗИЗ, ТАБАРРУК

XXI асрга келиб инсоният учун экология долзарб муаммолардан бирига айланди. Мутахассислар маълумотига кўра, айни пайтда сайёрамизда ҳар йили 10,1 миллиард тонна кислотасиз сарф бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 70 фоизи, чучук сувларнинг 20 фоизидан фойдаланилапти. Ўрмонлар йилдан-йилга камайиб бормоқда, чўл зоналарининг майдони ошиб, ҳаво ҳарорати йилдан-йилга кўтарилапти. Дунё аҳолисининг сони ошиб, табиий захиралардан хўжалик мақсадларида янада кўпроқ фойдаланишга тўғри келмоқда.

Шунингдек, техника ва саноат корхоналарининг ривожланиши ҳам атроф-муҳитга жиддий зарар етказаяпти. Экологик муҳитнинг ёмонлашуви туфайли турли касалликлар келиб чиқмоқда. Тахлилларга кўра, сайёрамиздаги дарёларнинг ярми ғоятда ифлосланган. Айни пайтда ер шари аҳолисининг 40 фоизи ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. Яна 30 йилдан сўнг тоза ичимлик суви танқис ресурс бўлиб қолиши мумкин. Бунга асосан суви тежаб-тергаб ишлатмаслик сабабдир. Хусусан, Ўзбекистон шароитида ҳам ер-сув ресурсларининг тақчиллиги ва ифлосланганлиги экологик хавфсизликка улкан таҳдиддир.

Ўзбекистонда атроф табиий муҳитни соғломлаштириш бўйича изчил ишлар амалга ошириляпти. Табиий ресурслардан фойдаланишда ҳам экологик, ҳам иқтисодий манфаатлар ҳисобга олиниши, уларнинг узвийлигини таъминлаш, бунда устуворликни экологияга қаратиш принципи асосида экологик сиёсат олиб борилмоқда.

2013 йилнинг 12 ноябрида қабул қилинган “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифалари, мақсадлари ва принциплари белгилаб қўйилган. Ушбу қонуннинг мақсади экологик назорат соҳаси-

### Табиат ва биз

даги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Авалло, мазкур Қонун ҳақида гапирганда, экологик назорат тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Маълумки, экологик назорат атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир. Қонуннинг 4-моддасида экологик назоратнинг асосий вазифалари белгилаб берилган. Унда юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, мажбуриятларнинг улар томонидан бажарилишини таъминлаш вазифаси ҳам қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви, хўжалик юритувчи субъектлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар экологик назорат субъектлари ҳисобланади. Қонунда экологик назоратнинг турлари сифатида давлат экологик назорати, идоравий экологик назорат, ишлаб чиқариш экологик назорати, жамоатчилик экологик назорати эътироф этилган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжат ўз маъно-моҳияти ва аҳамиятига кўра, мамлакатимизда экологик муаммоларни самарали ҳал этилишини таъминламоқда.

**Гулзода РАҲИМБЕРДИЕВА,**  
Косонсой тиббиёт коллежи  
табиий фанлар кафедраси  
мудир.

Солиқ тўловчиларга қўлайликлар яратиш, уларнинг вақтинча тежаш, солиқ соҳасидаги янгиликларни мунтазам равишда етказиш, шунингдек, бу тизимда вужудга келётган муаммолар ечимини тезкорлик билан топши ҳамда солиқ тўловчилар билан солиқ органларининг муносабатида аниқлик ва ошқораликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан бир қатор итератив хизматлар жорий қилинган.

Мазкур хизматлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz) веб-сайти орқали амалга оширилади ва улар орқали юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китобларини кузатиш имконияти ҳам яратилган. Жумладан, “Солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида электрон ариза орқали маълумотномалар бериш” хизмати юридик ва жисмоний шахсларга бир қанча қўлайликлар яратиш, тезкор равишда маълумотлар олишга имкон яратади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий банк (ҳисоб-китоб) ҳисоб варақаларини ёпиш учун давлат солиқ хизмати органларида солиқ қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги хулоса хўжалик

юритувчи субъект рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органи томонидан намунавий шаклдаги маълумотнома тарзида бе-

рилади. Шунга кўра, давлат солиқ хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга маълумотнома берилиши кейинчалик уларга хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий банк (ҳисоб-китоб) ҳисобварақаларини ёпиш ҳуқуқини беради.

Маълумотнома бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиб, уни олишда хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ қарздорлиги йўқлиги ва солиққа оид ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим этилганлиги

тўғрисидаги мезонлар рухсат берувчи талаб ва шартлар ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъект ихтиёрий тугатилганда маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига муво-

фик берилади. Унга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар асосий банк ҳисоб варақасини ёпиш мақсадида рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига маълумотнома бериш тўғрисида белгиланган шаклда ариза беради. Маълумотнома олиш учун ариза шакли давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти ([www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)) да жойлаштирилган. Зарурат бўлганда, хулосани тақдим этиш учун таққослама далолатномасини

тузиш талаб этилиши мумкин. Таққослама далолатномаси тузиш учун хўжалик юритувчи субъект давлат солиқ хизмати органига солиқларни ҳисоблаб чиқиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этади. Низомда белгиланганидек, хўжалик юритувчи субъектлардан юқорида қайд этилган ариза

ва таққослама далолатномасидан ташқари бошқа маълумотларни талаб этишга йўл қўйилмайди.

Маълумотнома олиш учун ариза хўжалик юритувчи субъект томонидан бевосита, унинг олинганлиги тўғрисида хабар берилган ҳолда почта алоқаси воситасида ёки электрон шаклда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ариза хўжалик юритувчи субъектнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Электрон шаклда

### Жараён

берилган маълумотнома ёки хабарнома қоғоз тарзидаги ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик қучга эга бўлади. Ариза кўриб чиқилганлиги ва маълумотнома берилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектдан йиғим ундирилмайди.

Шунингдек, солиқ тўловчилар учун қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида “1077” қисқа рақамдан мобиль алоқа орқали “Солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг солиқ қарздорликлари ҳақида SMS — ахборот бериш” интерактив хизмати кўрсатилмоқда.

Бугунги кунда шу каби қўлайликлардан солиқ тўловчилар кенг қўламда фойдаланиб келишмоқда.

**Юнусжон НАСИМЖАНОВ,**  
Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиги ўринбосари.

Устоз кўрмаган шогирд ҳар муқомга йўғталар, деган ҳикматли иборани халқимиз ҳўп топиб айтган-да. Яхши устоз шогирдининг эл орасида бачканалик қилиб юришига йўл қўймайди. Бундан келиб чиқадики, бугун бемаъни сўзлар йиғиндисини кўшиқ ёки ашула деб халққа тақдим этишдан уялмаётган хонанда (агар уларни шундай аташ мумкин бўлса) ларнинг энг катта муаммоси аслида ижодни оддий ҳавас ёхуд ўткинчи ном қозонши деб ўйлагани ва номдорроқ устознинг этакини тутмаганидир.



## САНЪАТ ҲАВАС МАЙДОНИ ЭМАС

ёхуд кўшиқчилик муаммолари хусусида

**Бўлди-бўлди етади,  
бошим оғриб кетади,  
Чапга-ўнга ликир-ликир,  
ёшлик ўтиб кетади,**

қабиллидаги бачкана, маъносиз таронани Муниса Ризаева ҳамда Шаҳзод Муродов ижросида эшитиб, рости улар нима демоқчи бўлаётганини англашга роса уриндим ва бу бор-йўғи бир-бирдан безган севишганларнинг бақир-чақирю гинасидан бошқа нарса эмаслигини тушундим...

Бугунги кунимизни куй-кўшиқларсиз тасаввур этолмаймиз. Бизга тақдим қилинаётган тароналар ҳам рангбаранг. Айниқса, радио ва телевидение орқали эфирга узатилаётган кўшиқлар истасак-истамасак ҳар кун кулоғимиз остида жаранглайди. Миллий оҳангларга йўғрилган замонавий тароналарни мириқиб тинглаш баробарида кўшиқ деб тақдим этилаётган бемаъно сўзлар, шовқин-сурон ва алжирашлар йиғиндисини (!) ҳам эшитишга мажбурмиз! Кейинги пайтларда радио ва телевидение орқали, айниқса, "Наво" телеканали орқали кечаю кундуз "айлантирилаётган" ва устига устак "Тақдим" ёки ёшларнинг сеvimли тароналари деб мақталаётган айрим "кўшиқлар"дан маъно-мазмун тополмаётган юртдошларимиз жуда кўп. Буюк маданий мерос ва баътакор аънаваларга эга серқирра санъатимизда бундай кўнгилисиз ҳолатларнинг учраётганига безътибор, томошабин бўлиб қараб ўтиришнинг ўзи кулгули.

Тўғри, умидли ёш хонандалар орасида ўз ижоди билан халқ меҳрини қозонган Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ҳожиҳон Болтаев, Муҳаммаджон Каримов, Орифхон Ҳотамов ҳамда Камоллидин Раҳимов, Муножот Йўлчиева, Маҳмуджон Тожибоев, Муяссар Раззоқова, Озодбек Назарбеков, Маҳмуд Намозов, Гулсанам Мамазоитова сингари ўнлаб халқимиз эътирофига сазовор бўлган машҳур санъаткорларнинг муносиб давомчилари ҳам борлигини инкор этолмаймиз. Устозлар санъатини ўрганиб, уларнинг кўшиқларини ижро этиб, ўз йўналишида билим олиб, изланаётган хонандаларимиз бугунги кунда нуфузли мукофотларга, халқаро танловларда голибликка эришди. Бироқ, афсуски, гуруч ичидаги қурмаклар нодир санъатимизга соя солаётгани ташвишлидир...

**Дилшод УМАРОВ,  
Ўзбекистон давлат  
консерваторияси эстрада  
хонандалиги кафедраси  
катта ўқитувчиси:**

— Устознинг вазифаси — шогирдларга нафақат мусиқий билим бериш, балки уларнинг ижодий қобилиятини шакллантиришдан иборат. Мусиқани яхши тушунган, санъат соҳасининг фидойиси бўлган инсон ўз шогирдининг ютуқларидан завқлангани каби, соҳадаги муаммолардан, бачканаликлардан қаттиқ ранжийди. Назаримда, ҳар бир кўшиқчи устоз кўриши шарт. Бўлмаса маънавиятимизга сезиларли зарар етказадиган қисқа "яшайдиган" кўшиқлар кўпайиб браверади. "Ликир-ликир", "анақа-унақа", "секин-секин" каби сўзлардан иборат матн кўшиқ бўлолмайди. Чинакам кўшиқда шоирнинг изтироби, бастакорнинг кечинмалари ифодаланиши, улар ўзаро уйғунлиқда санъат асари даражасига кўтарилиши керак. Шундай кўшиқчи ижро этган хонанда халқ меҳри, эътирофи эришади. Агар, эстрада оламига кириб келаётган ёшлар ижодий ҳамкорликдан, изланишдан воз кечар экан, ҳеч қачон профессионалик даражасига эришолмайдилар.

Олимларнинг таъкидлашича, одам кулоғи одатда 16 дан 2 минг герцга тенг товушни илгаркан. Масалан, фортепианонинг энг паст пардали тугмаси 27,5 энг баланди эса 41,86 герц товуш кучи ҳосил қилади. Демак, мусиқанинг товуши баланглашгани сайин руҳият, кайфият ва саломатлигимизга салбий таъсир кўрсатар экан. Паст тебраниши фнгиллаш одамни безовта қилса, жонсиз, узун оханг фикрни жамлашга, хотиржамликка қўймайди. Мусиқа яратаётган бастакор, кўшиқ куйлаётган хонанда мана шу нарсаларга алоҳида эътибор бериши керак. Аммо кейинги пайтда куй ҳам, кўшиқ ҳам, ҳатто шеър ҳам компьютердаги дастурлар орқали тартибланаётгани сабабли айрим хонандаларнинг мусиқий билими саёзлашиб, зўрма-зўраки хиргойилари шовқинга айланиб бормоқда.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,  
бастакор, Зулфот номидаги  
Давлат мукофоти совриндори:**  
— Катта мусиқий меросга эга халқимиз. Куй қон-қонимизга сингиб улгурган. "Муножот", "Тановар", "Дилхи-

### Долзарб мавзу

роҳ" каби нодир дурдоналаримизнинг гаройиб жиҳатлари дунё миқёсида ўрганилмоқда. Санъаткорда, энг аввало, мусиқа маданияти, тинглаш ва таҳлил қилиш салоҳияти бўлиши керак. Тўғри, у ҳамма мусиқий асбобларни чалишни уддалай олмаслиги мумкин, лекин улардан бирортасини мукамал ўрганиши керак. Айрим хонандаларнинг ижодини кузатиб, салбий ҳолатларга гувоҳ бўламан: ё мусиқа қайсидир чет эл ва мумтоз куйларимиз қоримаси ёки нотўғри танланган мусиқа асбобларининг тартибсиз овози. Шундай кўшиқлар ҳам борки, қуруқ гапдан иборат. Масалан, Анвар Санаевнинг бир кўшиғида "Оҳ деганда оҳ дедим, воҳ деганда воҳ дедим" деган сўзлар бор. Инсон хиссий кечинмаларини ифодалаган бу сўзлар мусиқа ёрдамида янада кучли таралган. Менталитетда эса шарм-ҳаё борки, бундай кечинмаларни бироз пардалайди.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
журналист:**

— Ишонасизми, "Наво" телеканални томоша қилишдан юрагим безиллаб қолди. Нега десангиз, бир кунда лоф эмасу уч-тўрт марта Хулкар Абдуллаева деган хонанданинг шахсан мен учун жуда бачкана туюладиган "Пока-пок" кўшиғи кўйилаверади.

**Хоразмнинг ажойиб ўйини  
Бу — пока-пок,  
Киздиради байраму тўйини  
Бу — пока-пок.**

Бу тарона озгизга уриб, овоз чиқариб ўйналадиган миллий ўйинга мосланган. Бу миллий ўйинининг ўз давраси, ижро ўрни бордир. Аммо хонандаларимиз миллийликни тарғиб этаман, деб маданиятсизликни саҳнага олиб чиқмаслиги керак-ку!

Майсаранинг "Шаршара" номли кўшиғи бор: "Ўзим ўзимга сир, Ҳолатим қанақадир". "Шаршара-шаршара, кўз ёшим шаршара, бечора Майсара" ёки "Бағрим ичида қанақадир алламбало" каби гализ сўзлардан ташкил топган мантисиз шеър кўшиққа айланган. Тилимизнинг софлигини сақлаш, китоб мутолаасини тарғиб этиш, одамларнинг тил бойлигини ошириш ҳақида кўп ва ҳўп айтилаётган бир вақтда бу каби кўшиқлар фақат савияни пасаитиришга "хизмат" қилади, холос.

**Абдумўмин ҚАЛАНДАРОВ,  
талаба:**

— Биз кўшиқчи фақат ўйинга тушиш ёки дам олиш учун тингламаймиз. Кўшиқ инсон тафаккурини бойитишга хизмат қилиши керак. Масалан, хонанда Сардор Мамадалиевнинг Фарида Афрўз қаламига мансуб "Дўстим, онанг қарияпти" кўшиғида ибратли жумлалар кўп.

**Сенга эртақ айта, айта,  
Эртақларга айланар.  
Бир кун у ҳам онасидай,  
Майсаларга бойланар.**

Мана шундай кўшиқлар тарбия воситаси, инсонни меҳр-оқибатга қорловчи хусусиятга эга эканлиги билан қадрлидир.

Мусиқа илмининг устаси, буюк бастакор Чайковский: "Қачонки, сўз таъсири камайиб, беоқибат қолади-деган бўлса, ҳар томонлама таъсир этадиган восита мусиқадир" деган эди. Шундай экан, биз тингловчилар ҳам, ижрочилар ҳам юксак таъсир кучига эга куй-кўшиқларнинг ер бағирлаб, саёзлашиб кетишига безътибор бўлмаслигимиз керак.

**Камола РАҲИМХЎЖАЕВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.**



**БАЛИҚ ВА БАЛЧИҚ** — "Ўзбек тилининг этимологик луғати" да изоҳланишича, "балиқ" ва "балчик" сўзлари битта ўзақдан ўсиб чиққан. Қадимда "намлик" ва "сув" маъносини англатган "бал" деган сўз бўлган. "Балиқ" ва "балчик" сўзлари шундан келиб чиққан.

Сайёднинг балиққа шаст солмоғи нафс мудаоси учундир ва балиқнинг ҳам қармоққа гирифтор бўлмоғи жуъ балоси учун.

**"Маҳубул-қулуб"  
асаридан**

Гавҳар балчикқа тушган била қиймати ушалмас ва ўз баҳосидан қолмас.

**"Муҳокаматул-луғатайн"  
асаридан**

**ЛИНОЛЕУМ** — нам ўтказмайдиган пол ва деворга қопланадиган полимер материал. Бу сўз лотинчадан кириб келган бўлиб, унинг туб илдизи "linum" — "каноп", "oleum" — "мой" деган маънони англатади.

Йўлак чироқлари ёқиб қўйилган, тозалаб артиб қўйилган линолеум пол ярақлаб турарди.

**Ўткир Ҳошимов**

**КўРИҚ** — мудофааланган, ихоталанган жой. "Кўриқ" сўзи "кўриқла" мазмунидаги "кўри" феълидан келиб чиққан. Шунингдек, экин ёки дарахт экилиб, кўриқлаб туриладиган жой, илгари экин экилиб, кейин экилмай ташлаб қўйилган майдон ва бўз ер ҳам "кўриқ" деб аталади.

Кўкламда она-бола тоғ этагидаги кўриққа чиқиб, белкурак билан ер ағдариб, лалми бугдой экишди.

**Пиримкул Қодиров**

**КЕЧҚУРУН** — тун бошланган пайт эканини яхши биламиз. Бу сўз таркибидаги "қурун" қисми нимани англатишини эса ҳаммамиз ҳам биллавермаймиз. Қадимги тилимизда "қур" сўзи "вақт" деган маънони билдирган.

Кечқурун, ҳамма кинога кетганда, бирпас мизгилган казарма ёнидаги майсага чўзилган эди, рўпарадаги адир ёнбағирлигидан ашула товуши эшитилди.

**Абдулла Қаҳҳор**

**ДИПЛОМ** — илмий даражани тасдиқловчи расмий ҳужжат. Бу сўз француз ва юнон тилидан кириб келган бўлиб, унинг туб илдизи "икки букланган varaк", "ҳужжат" деган мазмунни билдирган. "Дипломат" ҳам "диплом" сўзи билан битта илдиздан ўсиб чиққан.

Элмурод институтни имтиёзли диплом билан тамомлади.

**Шўҳрат**

**Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.**

**Турмуш тарзимизга янги технологияларнинг кириб келиши натижасида тилимизда ҳам янгича терминлар пайдо бўлмоқда. Улар фақат маълум бир соҳалардагина эмас, оммавий тарзда маънавиятимизга ҳам дахл қилаётгани рост.**

Яқинда йигилишлардан бирида адия бoshқармаси вакили "Кейинги пайтларда оилавий ажримларнинг аксариятига виртуал хиёнат сабаб бўлаётгани тез-тез кузатилаётди, бу жуда ачинарли ҳолдир", дея қуюнчалик билан фикр билдирди. Йигилганларнинг ҳеч бирида "виртуал хиёнат" нима эканлигини сўрашга эҳтиёж бўлмади. Чунки телефон орқали қабул қилинаётган SMSлару, ижтимоий тармоқлардаги бемаъни ёзишмаларнинг қасри оилавий ҳаётга салбий таъсир кўрсатиб, ажралишгача олиб бораётганини ҳамма бирдек тушушган эди.

Ушбу мавзуни газетада ёритишдан аввал бу ҳақда бир неча мутахассислар фикри билан ҳам қизиқдим, бу ҳолатнинг сабабларини излашга ҳаракат қилдим.

#### СОВҒА ОРТИДАГИ ШУБҲА

...Йигит уйланганидан сўнг бир ой ўтмасидан рафиқасига қимматбаҳо телефон совға қилди. Куёвнинг бу илтифотини кўриб, оиласидагилардан кимнингдир гаши келди, сингиллари очикчасига норозилик билдиришди. Келин учун эса бу матоҳ кургур никоҳдан кейинги илк совға эмасми, хурсандчилиги ичига сиймай, турмуш ўртоғига миннатдорона бокди.

Ҳаммаси ана шундан сўнг бошланди. Аввалига қайнона келинининг телефонда кўп гаплашишидан нолиди. Ёш келин-куёв ҳали бир-биридан сармаст, ўзларини бахтли ҳис қилишар, бу гапларга эътибор беришмасди. Кейин келин билибми-билмайми, телефондан хабар олиб, хабар жўнатадиган одат чикарди. Орадан кўп вақт ўтмай, куёв жаҳлдор, тажанг бўлиб қолди. Кечагина қулиб қараган рафиқасига энди қаҳр билан бокарди. Бора-бора умуман гаплашмай қўйди. Келин эса бунинг сабабини билолмай хайрон, қандай гуноҳ қилдимки, у менга бундай нафрат билан қараётти, деган ўй ич-этини кемира бошлади. Бундай таранг вазият узок давом этиши мумкин эмасди, қунлардан бир кун куёв ичидаги газабини тўкиб солди.

— Менинг сендай хотиним йўқ! Уйингга кет, кечирим ҳам сўрама!


Онам, оилам ҳақида шундай гапларни айтган хотин билан икки дунёда ҳам яшайман!

Келинчак нима деярини билмай қолди, тўғрироғи, гап нимадалигини англамади ҳам. Фақат эрининг вазоҳатидан кўриб, ҳозироқ кетмасанмадир хунук воқеа содир бўлишини англаб, нарсаларини йиғиштира бошлади. Кейин кўп гаплар ошкор бўлди: куёв рафиқасига совға қилган телефонда унинг ким билан, нима ҳақда гаплашилгани ёзиб олинган. Совчилар орқали уйланган, ўзининг ўйлашича, танимаган-билмаган қиз ҳақида тўлиқроқ билиш учун куёв шу усулни қўллаган экан. Афсуски, унинг "усули" ижобий натижа бермади. Келинчакнинг уйдагилари билан доимий сўзлашувлари

чилиги, эркак кишининг оилага масъулият билан ёндашмаслиги, иқтисодий қийинчилик каби ҳолатларга дуч келади. Аммо кейинги пайтларда бу сабаблар қаторига телефон орқали хиёнат ҳам кириб келяптики, бу ҳолат ҳар биримизни ташвишга солиши табиий. Мисол учун, яқинда бир йигит рафиқасининг телефонда нота-ниш эркак билан хиёнат инган ёзишмаларига гувоҳ бўлади. Шунинг ўзиёқ йигитни аёлидан буткул совилади. Йигитга телефондаги SMSлар туфайлигина ажралишга қарор қилиш нотўғри эканини кўп тушунтирдик. Аммо, у ўзи ўқиган гапларни ёзган рафиқаси билан бошқа яшай олмаслиги, фикри қатъийлигини таъкидлашдан чарчамади.

Кейинги пайтда ижтимоий тар-

## ЯНГИ МУАММО: ВИРТУАЛ ХИЁНАТ



давонида оиласи ҳақида билдирилган салбий фикрларни эшитган, дугоналари билан ёзишмаларида ҳам шу мазмундаги гапларни ўқиган йигит бу хонадонга эндигина кўникаётган келинчак билан бошқа яшолмаслигини маълум қилди...

#### "АЁЛИМНИ КЕЧИРОЛМАЙМАН!"

— Одатда ФҲДЁ бўлимига никоҳдан ўтиш учун муружаат қилишади, — дейди Самарқанд шаҳридаги 3-сон ФҲДЁ бўлими мудири Инобат Бобоқулова. — Аммо никоҳни бекор қилиш билан боғлиқ баъзи ҳужжатларни расмийлаштириш ҳам, афсуски, шу ерда амалга оширилади. Ажралиш сабабларини ўрганганимизда қайнона-келин келишмов-

моқларда аёлни бошқа эркаклар билан танишиб, дўст тутингани, уларнинг ёзишмалари ошкор бўлгач, эрининг ундан кўнгли қолиб, оилалар пароканда бўлаётганига афсуски, тез-тез гувоҳ бўлаёпмиз.

#### SMSЛАРГА ТОБЕЛИК ҲАМ "ХАСТАЛИК"

Қизик, эр-хотиннинг уйдан ташқарида, қарама-қарши жинс вакиллари билан суҳбатлашишга эҳтиёжи сабаби нималарда экан? Бундай саволнинг қўйилиши бежиз эмас. Чунки, мутахассисларнинг фикрича, юқоридаги ҳолларда аёлни ёки эрининг хиёнати исботланмаган, ҳатто хиёнат содир этилмаганлик эҳтимоли юқори. Аммо, ўртада шубҳа бор-да!..

— Аслида, бундай ҳодисаларнинг

юзага келишига муомала маданиятининг шаклланмаганлиги сабабдир, — дейди психолог Мушарраф Салоҳиддинова. — Хўш, қарама-қарши жинс вакиллари билан телефон ё интернет орқали ёзилишида, ҳис-туйғуларини билдиришда муомала маданиятининг қандай аҳамияти бор, деган савол туғилади. Тан олиб айтиш керак, бизнинг оилаларда аксарият ҳолларда болалар билан суҳбатлашганда, эр-хотин ўртасида кўнгилдаги барча фикрлар очик-ойдин айтилмайди. Оила аъзоларининг бир-бирига муносабати, феъл-атвор ҳақидаги фикрлар хаёлда бўлади. Натижада кўнгилдаги ҳис-туйғулар ташқарига чиқмай, ичимизда қолиб кетаверади. Оила қургач ҳам шу ҳолат давом этади. Эр-хотинлар кўпроқ рўзгор юмушлари билан овора бўладилар, бир-бири билан чин дилдан суҳбатлашиш, ўзлари ҳақида гаплашишга деярли вақт ажратмайди. Телефондаги SMSлар, ижтимоий тармоқлар мана шундай имкониятни яратиб берди. Баъзида бир-бирини кўрмас-да, бу шахслар ичидаги бор кечинмаларни ёза бошлайдилар. Ва гўё шу фурсатларда улар бир-бирини жуда яхши тушунаётгандай тасаввур уйғонади. (Ваҳоланки, агар очикроқ, кўнгилдан гаплашилса, туйғуларини таҳлил қилса, фикрларини билдириб, бир-бирига далда берса, эр-хотин ўртасида ўзаро самимий муносабатлар юзага келиши табиий). Бундай виртуал боғланиш кучайган сари телефон ё интернетдан келган хабар уларда руҳий кўтаринкиликни вужудга келтириб, ҳаётдаги мазмун шу билан ифода-лангандай бўлади. Бундай боғлиқлик худди интернет ўйинларига муқасидан кетиш билан баробар бўлиб, одамда SMSларга тобелик хасталиги ривожланади. Соғлом, мукамал инсон бундай ҳолатни ҳис қилмаслиги керак.

Телефон ва интернетнинг пайдо бўлганига қанча муддат ўтди-ю, бундаги ёзишмалар оқибатида юзага келган ажралишлар энди муаммога айландими, дея хайрон бўлишингиз табиий. Ушбу воқеалар тобора кенг қўлам касб этаётгани ва кўпчилик оилаларга дахл қилаётгани сабаб ҳам бугунги куннинг муаммосига айланмоқда.

Гулруҳ МҲМИНОВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.



**Онажон, сизнинг дуларингиз шарофати билан талабалик бахтига мушарраф бўлдим. Ҳозир иккинчи босқич талабасиман. Орзуларим бир дунё. Ниятларим катта. Газеталарда кетма-кет мақолаларим чиқа бошлагач, ўзимга ишончим ортди.**

**Меҳрингизга ташна набирангиз биринчи босқични сиз хоҳлагандек аъло баҳоларга яқунлади.**

Биласизми, ўқишимиз энди бошланган кезларда устозимиз энг соғинган, яхши кўрган инсонимизга мактуб ёзиб келишимизни вазифа қилиб берган эди. Уша кунни кечаси билан ухламасдан сизга хат ёзгандим. Кўнглимдаги ҳамма-ҳамма гаплар, соғинчли сўзлар билан тўрт саҳифани тўлдирган эдим, ўшанда. Эртаси кунни курсдошларим баландпарвоз, чиройли сўзлар билан ёзилган хатларини ўқиб устоздан мактуб эшитди. Навбат менга келганида... Ўқитувчимиз кўзимда филтиллаб турган ёшни кўриб, мени ўқишга қистамади. Қистаганида ҳам ўқиб бера олмасдим.

Бугун эски дафтарларим орасидан ўша хатимни топиб олдим. Мана, ундан парча: «Онажон, мен сизни бирор маротаба йиғлатганман-

## ДАРДИНГИЗНИ ОЛАЙ, ОНАЖОН!

ми? Кўнглингизга озор берганманми? Нега бу ҳақда сўраб қолдинг, болажоним демокидирсиз-а!... Ха, биладан, гоҳида билиб-билмай, кўнглингизни оғритганман. Ота-онасидан узокда, деб инжиқликларим, эркаликларимга чидагансиз. Дадамни, аямни соғиниб йиғламан, менга кўшилиб йиғлар эдингиз. Ҳозир сизга етказган озорларимдан қанчалар афсусланаётганлигимни тасаввур қила олмайсиз. Бағрингиздан кетган қунимоқ бу ҳақда ўйлаганман. Сизнинг шунчалар меҳридарё ва олижаноб эканлигини бутун вужудим, қалбим билан ҳис қилганман. Мени кузатар чоғингизда, ортимга қараганимда, маънос чехрангизни кўриб қўзларим ёшланади ҳар сафар. Кўзёшларимни сиздан беркитишга уринардим. Биладан, бу айриликдан мендан-да кўпроқ сиз қийналгансиз. Мен сизнинг бир бўлагингиз эканимни англаганман. Дуларингиз, берган билим ва сабоқларингиз туфайли мана шу улуг даргоҳда ўқиш насиб этди, ишончингизни, албатта, оқлайман, онажон!»

...Бетоблигингизни эшитиб, бесаранжомландим. Чала хатимни бугун яқунлаб, уни сизга юборишга аҳд қилдим. Болалигимда «дар-

динг урсин болам» деб эркалар эдингиз. Бу сўзнинг маъносига кўп ҳам эътибор бермас эканман. Мана, ҳозир нега шундай дейишингизни яхши англадим. Онажон, қанийди, қушга айлансам-у, ҳозироқ ёнингизга қанот қоқиб учиб кетсам.

«Дардингизни олай, онажон!». Ўшанда ёнингизда бўлолмадим, оғриқли оёқларингизни уқалай олмадим. Аллоҳдан дардингизга шифо сўрайман.

Ҳар гал гўзал Самарқандим, сеvimли қишлоғим, меҳрибон онажонимдан узоклашар эканман, ниманидир унутаётгандек бўлавераман. Энди билсам, бу онажонимнинг меҳри экан. Болалигимда «Она, меҳрингиз шунчалик кўпми, ҳеч ҳам тугамайди», ҳаммамизга етадим, ичингизда катта меҳр халта бор-а?» деб айтганимни ҳали-ҳали эслаб қулишамиз. Ҳа, бугун бунга яна бир бора амин бўлдим. Оналарнинг туганмас меҳр булоғи бор экан. Бахтимизга доим бор бўлинг, азиз онажоним!

Нигинабону ҲАБИБУЛЛАЕВА,  
ЎзДЖТУ талабаси.

— Чарос, қани айт-чи, телевизоримизни ким олиб берган? — деб сўради она.

— Бувимлай обейишган...

Эндигина тили чиқаётган қизалоғининг бийронлигидан завқланган دادаси унинг сочини силаб гапга солди:

— Буни қара-я, яна нималарни олиб беришган?

— Сиз ўттиган диванни, гиламниям, уйимиздаги ҳамма найсани обейишган? Телевизойни ҳадеб у каналдан бу каналга олавейманг, пультаи бузилади. Ахий, унга бувимнинг пули куйган-ку, — деди қизча.



ийглай бошлади аёлим.

Бундай пайтда одам шошиб қолар экан. Хаёлга ҳам сира яхши гап келмайди, денг... "Қизимдан бир айб ўтмаганмикан?" деган ўйда миям говлагудек бўлиб етиб борсам, чиндан ҳам куёвим стол-стул, телевизор, музлаткич, мебелларнинг ҳаммасини ташқарига чиқариб қўйибди. "Ноинсоф, ношукур, нимага бундай қилдинг", деб унинг ёқасидан олай, десам, қайнота-куёвлик андишаси бор. Қизим ююм ййглайди. Бир амаллаб ўзимни босиб, нима гаплигини сўрадим. Сира юзимга тик қарамаган куёвим: "Дада, қизингизнинг дий-диёлари жонимдан ўтиб кетди. Менга сизнинг миннатли моллингиз керак эмас. Ана, машинага юкланг-да, қайтариб олиб, кетинг. Уйимни ўзим анжомлар билан тўлдирман, хотиним билан боламни ҳам бир амаллаб боқиб оламан", деса бўладими.

Шу орада қудаларим билан маҳалла фаоллари келиб қолишди.

Туқилмаган ҳикоя

қизариб, керкиб кетганим кўрган Ғанишер, болакайни маҳкам бағрига босиб, меҳмонхонага кириб, қараса, чиндан ҳам стол юзасида ярим қарич келадиган узун чизиқ ҳосил бўлган экан. Шунда неварам ййғламсираб отасидан: "Дада, бу уй ўзимизникими?" деб сўрабди. "Ҳа, ўзимизники", деган жавобни эшитиб, "Унда нимага ҳамма нарсани бобом билан бувим оберган? Ойим уларни авайлаш керак, дейди. Диванда ўтирсам, кир қиларканман. Гиламда ўйнасам, доғ бўп қолармиш. Унда мен қайда ўйнайман? Ана ўртоғим Азизларникига чиқсам, ойиси сираям уришмайди. Хоҳлаган жойимизда ўйнаймиз. Биз ҳам ўшаларга ўхшаб ҳамма нарсани ўзимиз сотиб олсак бўлмайди-ми?" деганмиш. Норасида гўдақдан бундай гапни эшитиб куёвим ерга киргудек уялибди.

— Дада, сиз хафа бўлманг, ростдан ҳам Рисолатнинг молпарастлиги бор гап. Уйдаги мебелларни кўя туринг, ҳатто чойнак-пиёланиям минг марта эҳтиётлаб ишлатади. Эрталаб ишга кетишдан олдин кийим алмаштираётганимда: "Шкафнинг эшигини секинроқ очинг, тагин бузилиб қолмасин. Дадам уни озмунча пулга олманг, ахир?" дейди. Индамайман. Бу гапларни ҳазилга буриб кетавераман. Тежамкорлиги, нарсаларни авайлаши яхши. Аммо ҳамма нарсанда меъёр бўлиши керакда. Бугунги иши ҳаммасидан ўтиб тушди. "Шу стол болангдан азиз

## АЁЛНИНГ МОЛИ МИННАТЛИ(МИ?)

Она қаҳ-қаҳ отиб кулди. Ота эса телевизор пультаини бир чеккага қўйди-да, оғир хўрсиниб, ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди...

Афсуски, кейинги пайтларда ёш оилаларда мана шундай суҳбатлар ҳар куни бўлмаса ҳам тез-тез қулоққа чалинмоқда. Фарзандни соғлом фикрли қилиб ўстириш, унга ота-онанинг ибратли ишларини ўрнак қилиб кўрсатиш ўрнига айрим хонадонларда ҳали тили чиқшга улгурмаган ўғил-қизлар онгига юқоридагидек майда-чуйда фикрлар сингдирилмоқда. Оқибатда гўдаклигидеяёқ фарзандларимиз молпарастликка ўрганмоқда. Энг ёмони, жажжи қоракўзларда: "Бундай нарсаларни сотиб олишга отамнинг қурби етмайди", деган фикр уйғонмоқда ва отанинг оиладаги ўрни заифлашмоқда.

Яқинда тахририятимизга кириб келган олтимиш ёшлардаги киши ўз оиласи мисолида қуйидаги воқеани айтиб берди.

Оқил аканинг ҳикояси:

— Аёлим Сожидаҳон билан бир қиз, бир ўғилни вояга етказдик. Ўғлимизни уйлантирдик. Тўғрисини айтсам, қизимизни бироз қийналиб узатдик. Ўзингизга маълум, ҳозирги кунда қиз чиқариш осон эмас. Яхши мебель олиб бермасангиз, уй-рўзгор анжомлари совға қилмасангиз бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси катта харажати талаб қилади. Биз ҳам қизимизнинг тўйи арафасида тўрт хонали уйимизни сотиб, уч хонали квартира олдик. "Уй кетса кетар, бахтли яшаса бўлди, ёлғизгина қиз, кўнгли ўксимасин", деб мебеллар, уй жиҳозлари харид қилдик. Тўй жуда яхши ўтди. Қизим Рисолатнинг бахти бор экан, куёвим хунароли. Уйим-жойим, деб югуриб елади. Қудаларим жуда бамаъни одамлар, болаларимизнинг оиласи тинч бўлиши учун жон куйдиришди.

Тўрт йил деганда қудаларим

қизим билан куёвимга алоҳида ҳовли-жой қилиб беришди. Кўп қаватли уйда ўсган қизимнинг кенг ҳовлида яйраб яшаётганидан хурсандлигимизни сўз билан ифодалаб бўлмасди. "Уй кирди"га қўшиб, уч яшарлик неварамизнинг суннат тўйини ҳам ўтказишди. "Қизимизнинг обрўси тўқилмасин, қарз олиб бўлсада, тўёнанинг яхшисини қилишимиз керак", деб онаси чирқиллайвергач, ўғлим иккимиз машина олишга ййғим юрган пулимизга совға-саломлар харид қилдик. Бир той, телеви-

**Ўзи мард ййгит эмасми, "Оилада бундай гап-сўзлар бўлиб туради. Қўйинг, ўзингизни босинг. Бу нарсаларни сизлар учун атаб олганмиз", деганимизга ҳам кўнмади. Ота-онаси, маҳалла фаоллари ҳар қанча насиҳат қилмасин, гапга қулоқ солмади. "Агар мана шу матоҳлар уйимга қайтиб кирса, менинг ўзим бош олиб чиқиб кетаман", дейди.**

зор, кир машинаси, музлаткич, ўн иккита стули билан бир стол олдик. Никоҳ тўйида олиб берган мебелларимиз ҳам ҳали янгидек ярқираб турар, энди қизимнинг ҳеч қандай камқўсти қолмагандек эди. Аммо ана шу нарсалар тўфайли унинг оиласи сал бўлмаса бузилиб кетай, деди...

Суннат тўйидан икки ойча вақт ўтгач, бир куни кеңкурун Рисолат онасига қўнғироқ қилди. У билан гаплашгач, хотинимнинг ранги оқариб, ерга ўтириб қолди. Шу пайт қўл телефоним жиринглади. Куёвим экан: "Каттароқ юк машинаси олиб келсангиз, сизларга бериб юборадиган нарсаларимиз бор эди", деди.

— Қизингизнинг айтишича, куёвингиз мебелларнинг ҳаммасини кўчага чиқариб қўйганмиш, энди нимага қиламиз дадаси, боламизнинг уйи бузилиб кетаверадими? — деб

Қизим: "Бу уйда бир дақиқа қолмайман", деб ййглайди. Катталар ҳар қанча насиҳат қилсак ҳам куёвим сира гапга кўнмайди. "Хотиним билан боламдан бошқа нарсаларни олиб кетаверинглар", деб турибди.

Аваллига куёвини айблаб, бироз бақришиб-чақришиб ҳам олдик. Қудаларим ақлли-да, дарҳол ичкарига жой қилиб, "Бир пиёла чой устида бафуржа гаплашиб олайлик", деб бизни дастурхонга таклиф этишди. "Нима бўлди, болам тушмагур сени уриб, сўқдимми?", деб

бўлдими, урмасдан гаплашсанг ҳам тушунарди-ку", десам, қизингиз: "Ота-бола биргалашиб дадам шўрлик олиб берган мебелларимни битта-битта ишдан чиқаряпсизлар?", дейди. Шунинг учун оғайниларимни чақриб келиб, ана, ҳаммасини кўчага чиқариб қўйдим, қайтариб олиб кетаверинг. Лекин болани етим қилмайман, қизингизнинг ўзи шу ерда қолади, — дейди куёвим куйиниб.

Ўзи мард ййгит эмасми, "Оилада бундай гап-сўзлар бўлиб туради. Қўйинг, ўзингизни босинг. Бу нарсаларни сизлар учун атаб олганмиз", деганимизга ҳам кўнмади. Ота-онаси, маҳалла фаоллари ҳар қанча насиҳат қилмасин, гапга қулоқ солмади. "Агар мана шу матоҳлар уйимга қайтиб кирса, менинг ўзим бош олиб чиқиб кетаман", дейди. Охири қудаларим билан маслаҳатлашиб, юк машинаси топиб, қизимга деб не бир ҳасратда олган мебелларимизни уйимизга қайтариб олиб келдик. Куёвим бўлса ачиқ устида эртасигаёқ бозорга бориб, барча керакли матоҳларни сотиб олибди.

Тўғрисини айтсам, шу кунларда жуда бошим қотган. Харидор изласак, анча арзонга сўрашяпти. Тўрт хонали уйни сотиб, келимин билан уч хонали квартирада қолмаганмизми, қани энди у мебеллар уйимизга сифса...

Сизларга мурожаат қилаётганимнинг сабаби шундаки, ушбу воқеадан бошқалар ҳам ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишсин. Куёвим ўзининг биргина хатти-ҳаракати билан бизга катта, жуда катта сабоқ бериб қўйди... Қиз боланинг бахти барибди, моддий бойликлар билан ўлчанмас экан. Унга энг аввало оиласидагиларни қадрлашни, тушган жойини азиз тутиб, уйдаги маънавий муҳит барқарорлигини асрашни ўргатиш керак экан.

Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА.

# УМР ДАФТАРИДАГИ ЁЗУВЛАР

ёхуд бобом билан боғлиқ хотиралардан  
айрим парчалар



...Хеч қачон, ҳеч кимни бу қадар сабрсизлик билан кутма-гандим. Ва ниҳоят, эшикдан оқ халатли шифокор кириб келди. Шу тобда бутун вужудим унинг бир оғиз сўзига илҳақ. Қимирламай ётган, назаримда ухлаётган бобомнинг шундоқ ёнгинасида ўтирсам ҳам, унинг бутунлай соғайиб кетишига, бизни шунчаки ташлаб кетишига ишонмасдим, нимагадир ҳозир қандайдир мўъжиза юз берадигандай...

Шифокор ёнимизга келиб маҳзун оҳангда: "Биз кўлимиздан келгунича ҳаракат қилдик. Лекин, на илож, Аллоҳ сабр берсин сизларга", дея бош чайқаганча ортига қайтди. Ўлим билан юзма-юз келиш бунча осон, қанчалик оғир?... Айрилиқ бунча тез, бироқ қанчалик қайгули?..

## ОРЗУ

— Шифокор бўласан-а? Бўласан-а?  
— Нима? Кўйсангиз-чи, бобо! Мени шифокор қилиб, нима қиласиз?  
— Қачондир оғир касал бўлиб, тўшакка михланиб қолсам, менга ўзинг қарайсан, оёққа тургазасан, ўзинг даволайсан...  
— Қизиқмайман-да...  
— ...

...Сентябр. Талаба бўлдим. Мендан ҳам кўпроқ 70 ёшли бобом қувонди. Жисми кексайса-да, руҳи навқирон бобом. Орзуларида каминани шифокор суратида кўрган зот. Дуолари ижобатини хаёлларига муҳрлаб, менинг қувончимга шерик бўлган инсон...

— Хўш, энди, мен ҳақимда мақола ёзасизми, журналист?  
— Ажойибсиз-да! Сизнинг нимангизни ёзаман, бобо!

## ТАДРИК

— Туришимга ёрдам бервор!  
— Бобо...  
— Турмоқчиман, қарашвор!  
— ...

...Энди юролмайманми? Индамайман. Ачинши ила боққан кўзларимда ичимдаги овоз аксланади: "Ҳа, энди юролмайсиз!". "Нимага?" Бобомнинг нурли кўзларида шуни уқаман. Ичимда овозим жавоб беради.

— Билмайман, шифокор эмасман. Менга номаълум хасталик мадорингизни қуритяпти. Ҳатто гапиришга ҳолингиз бўлмаяпти. Авзойингиз тақдирга тан берганингиздан, кетишга ҳозирлигингиздан дарак берапти. Ўша кунга қанча қолди, бобо? У ўзи қанақа кун?... Яхшими, ёки ёмон? Сизни азоблардан бутунлай халос этадими? Оғриқларингиз камайиб, енгил тортасизми? Нима бўлганда ҳам, мен ўша кун кечикишни истайман...

## ИЛИНЖ

— Йўқ, Сизнинг бир ўзингизни қолдирилмаймиз, бобо!  
— Бориб келаверинглар. Амакинг хурсанд бўлади. Ҳарбий қасамёд қилаётганини суратга олиб келинглар.  
— Хўп.  
Уйдан чиқиб кетаётганимда бобомнинг овози қулоғимга чалинди:  
— Қанақа отаман ўзи? Ўғлимнинг ортидан ҳарбийга бир марта ҳам

қуришга бормадим! Майли, жуда бўлмаганда келганида пешвоб чиқиб, ўзим кутиб ололсам эди! Жонимни берардим-ку. "Бурчингни ўтаб келдинг, яша, ўғлим!" деб елкасига қоқиб кўелсам эди! Йўқ, мен дунёдаги энг ёмон отаман...

## ЖАЙДАРИ ФАЛСАФА

...Ёзнинг жазирама кунлари бирдан шаррос ёмғир қуйиб юборди. Борлиқнинг олдинги яшил тусига қорамтир-қулранглик оралади.

— Яши инсон дунёдан ўтса, биринчи бўлиб табиат мотам либосини киярмиш, — деди бекатда автобус пойлаётган нуруний ҳамроҳига мунгли тикилиб, — Она табиат йғлаяпти. Қаердадир фарзандларининг бири ўлим билан олишмоқда. Ўзингиз айтинг, бу дунёда ўлимни енгган борми? Табиат ҳам кўз ёшларини тўхтатолмаяпти. Фарзанди яхши бўлганга ўхшайди. Акс ҳолда, у бунчалар эзилмасди. Ким бўлса ҳам, жойи жаннатда бўлсин...

Отахоннинг айтганлари дилимга иштибоҳ солди. Тавба, табиат ҳам мотам тутадими? Наҳотки, қаердадир, кимнингдир жонининг узилиши оддий табиат ҳодисасига боғлиқ бўлса? Шунга қарамай, бу гапни яна узок ўйлаб юрдим. Аза очган табиат кимнинг кўргулигидан дарак, кимнинг дардига шерик? Мотам либосидаги ўша шўрлик одамлар ким экан-а? Отахон айтганидек, яхши одамдир-да!

... Яна ёз, яна августнинг охири, яна табиат ғамгин.

Бекатда учратганим — ўша ота-

хон ҳақ эди. Бобом чинданам жуда яхши одам эди...

## ЎҚИЁЛМАГАН МАҚОЛА...

Боя айтганимдек, мақоламга қаҳрамон топдим — бобом. "Сизнинг нимангизни ёзаман", деганда қаттиқ адашган эканман. Ўйлаб кўрсам, бувамни ёзсам, дoston бўлгулик экан...

— Мақола чиқди, бобо! Сиз ҳақингизда. Бобо, нега индамайсиз? Ўқимайсизми?

Газетани узатган кўлим қайтди. Бобомнинг гаплашгиси келмади.

...Уйга кетаман. Қабристоннинг сарбаланд арчалари соя ташлади. Кеч тушмасидан етиб олишим керак уйга.

— Газетани қолдирайми, бобо?...

— ...

**Отахоннинг айтганлари дилимга иштибоҳ солди. Тавба, табиат ҳам мотам тутадими? Наҳотки, қаердадир, кимнингдир жонининг узилиши оддий табиат ҳодисасига боғлиқ бўлса? Шунга қарамай, бу гапни яна узок ўйлаб юрдим. Аза очган табиат кимнинг кўргулигидан дарак, кимнинг дардига шерик? Мотам либосидаги ўша шўрлик одамлар ким экан-а? Отахон айтганидек, яхши одамдир-да!**

## БЕҲИ ҲИДИ

— Чиқаётганимда чироқни ўчиришни унутма.

Яна эсидан чиқибди. Укам ҳали ёш бола-да, қулоғига гап олиши қийин.

— Нега ўчирмадинг? Хонада ким қолди?

— Бобом.

— Нима?!

— Бобом. Диванда ўтирибдилар. Хонага отилиб кирдим.

Очиқ деразадан шамол кириб пардаларни тўзитиб юборибди. Диванга чўкдим. Димогимга беҳи хиди урилди. Қаердан келди, бу хид? Ҳа, эсладим, қосага сув тўлдириб, беҳи шохини солиб қўйганмиз. Бобомнинг хонасида. Шаббода ўшанинг ҳидини олиб келган кўринади.

## ЯХШИЛИК

Нотаниш меҳмоннинг олдига дастурхон ёздим. Ҳол-аҳвол сўрашга тушиб кетди.

— Шу десангиз, Қаюмбек акани йўқлаб келдим.

— Ҳа, биласизми?.. Бобом...

— Набирасимсиз? Кимлигимни сўрамасангиз ҳам бўлади. Бобонгиз танимасдир, эҳтимол. Умрида кўрмаган ҳам. Лекин у киши билан дийдорлашишга анчадан бери муштоқман. Мана, Тошкентга келиш насиб этиб, хонадонгизни аранг топдим. Ўзим Андижонданман.

Бир пиёла чой устида меҳмон ҳикоясини давом эттирди.

— Отам тўққиз фарзандни катта қиламан деб, кўп қийналган. Мен кенжасиман. Институтга кирганимда отам жуда суюнганди. Дарров костюм олиб бераман деб бозорга жўнади. Лекин қиссасидаги пули энг арзон костюмга ҳам етмабди. Отам ёнгинасида сотувчи билан савдолашаётган одамга ҳасрат қилибди: "Камбағалнинг кунни курсин. Ўғлим талаба бўлади-ю, биттагина кийим кийдирилмасам". Ҳалиги киши ўйланбди: "Сикилманг, отахон. Мана буни, олинг. Бир кунни ўғлингиз қайтаради" деб, янги костюм-шимни отамга тутқазибди, денг. Қизим, ўша одам Сизнинг бобонгиз эди. Дарвоқе, ўзлари уйдаими? Ё бирор жойга кетганми?

— Ҳа, кетганлар... Кетганлар.

— Бу, бобонгизга. Костюм. Чорсу бозори бор экан. Ўша ердан олдим. Кўринг-чи, дурустми?

— ...

...Умид! Инсон бошига қанчалар оғир синювлар тушмасин, юрагида йилт этган умидга суюнади. У қалб тубида — дард, армон, алам билан ёнма-ён, уларга далда бўлиб яшайверади.

Бобонгни соғинганимда унинг суратига тикиласан, ёдинга бобонгнинг айтган жўн, аммо самимий гаплари тушади. Дафъатан юрагинг илиқликни туяди, суратда сенга тикилган нигоҳларда меҳр тафтини сезасан. Сен учун унинг "борса-келмас"га кетганининг аҳамияти йўқолади. Ахир, айрилиқ уни тортиб олди. Аммо сендан унинг набираси эканингни тортиб олмади-ку? Демак, бундан кейин ҳам у сенинг бобонг. Энг тоза, энг самимий, ибратли хотиралар эса сен билан бирга яшайверади...

Ҳар ким умр йўлининг охирига етади. Бироқ ўшанда йўлнинг бошида уни кутиб олганлар, охирида қузатмайдилар, ёнида бўлмайдилар. Фақат улардан ёрқин хотираларгина қолади. Оталардан болаларга, авлодлардан аждодларга ўтадигани ана шу хотиралар — тириклик. Улар тўфайли ҳаётда мазмун бор, маъно бор. Ҳар ҳолда, ҳар кимдан эслашга арзигулик хотиралар қолсин!

**Мохларойим ҚАЮМОВА,**  
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

## ОТАЛИК ҲУҚУҚИНИ СУД БЕЛГИЛАЙДИ

Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, оталик ҳуқуқи қандай тартибда амалга оширилади?

**З.Менгнорова.**

— Оила кодексининг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибда белгиланиши мумкин.

62-моддага биноан оталикни суд тартибда белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг

васийси(ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек, бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади.

Оталикни белгилаётганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар билан бирга яшаганлиги ва умумий рўзгор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқлов-

чи бошқа далилларни эътиборга олади.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин.



**Зилола Тўлаева,**  
Ургут тумани 1-сон ФХДЁ бўлими инспектори.

